

Бақара сураси, 68-оят

09:00 / 19.09.2017 3391

Улар: «Биз учун Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини бизга баён қилиб берсин», - дедилар. У: «Албатта, У Зот: «У - қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган, ўшанинг ўртасидаги сигир», - деяпти. Бас, ўзингизга буюрилган нарсани бажаринг», - деди. Бақара 68.

Бану Исроил яна беодоблик қилди: «Роббимиз», демай,

«...Роббингга дуо қил...» - дедилар. Шу биланоқ Аллоҳга эътиқодлари йўқлигини намоиш қилдилар:

«Улар: «Биз учун Роббингга дуо қил, унинг қандай эканини бизга баён қилиб берсин», - дедилар».

Шу услуб билан сўйилиши лозим бўлган сигирнинг сифати қандай бўлиши кераклигини сўрашди. Мусо алайҳиссалом одоб билан яна Аллоҳнинг сўзини уларга етказдилар:

«У Зот: «У - қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган, ўшанинг ўртасидаги сигир», - деяпти», - дедилар. Ҳамда мураббий сифатида уларга «Энди бошқа нарсаларни сўраб ўтирманглар», дегандек қилиб:

«Бас, ўзингизга буюрилган нарсани бажаринг», - дедилар.

Бану Исроил бошида индамай, хоҳлаган сигирини сўйса бўларди. Савол бериб, ўзига қийин қилиб олди. Чунки энди ўрта ёш сигирни топиш керак бўлди. Бошқаси қабул бўлмайди. Шундан ибрат олиб, ўз пайғамбарларининг иккинчи насиҳатларига амал қилиб, айтилган сигирни топиб сўйса, масала ҳал эди, аммо Бану Исроил яна яҳудийлигига борди.